

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

28 “ Февраль 2018 й. г. № 149

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини  
кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахта хомашёси ва бошоқли дон экинлари етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 28 февралдаги ПҚ-3574-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар:

а) 2018 йил 1 марта бошлаб:

пахта хомашёсини навлар ва класслар бўйича харид қилиш учун давлат томонидан кафолатланган нархлар 1-иловага мувофиқ;

бошоқли дон экинларини навлар ва класслар бўйича харид қилиш учун давлат томонидан кафолатланган нархлар 2-иловага мувофиқ;

б) кейинчалик маблағларни “Агробанк” АТБ туман филиалларида жойлаштириш орқали Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда давлат томонидан харид қилинадиган 2018 йил ҳосили пахта хомашёсини етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ажратиладиган кредит ресурсларини худудлар, ойлар ва харажатлар турлари бўйича кафолатли тақсимлаш ҳажмлари 3-1-3-14 ва 4-1-4-14-иловаларга мувофиқ;

в) кейинчалик маблағларни “Агробанк” АТБ туман филиалларида жойлаштириш орқали Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда давлат томонидан харид қилинадиган 2018 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ажратиладиган кредит ресурсларини худудлар, ойлар ва харажатлар турлари бўйича кафолатли тақсимлаш ҳажмлари 5-1-5.14 ва 6-1-6-14-иловаларга мувофиқ тасдиқлансан.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарлари Ж.А.Кўчкоров ва З.Т.Мирзаевга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг таклифлари асосида кредит ресурсларининг тасдиқланган кафолатли ҳажмларига ўзгартиришлар киритиш хукуки берилсан.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-куватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) “Ўзпахтасаноат” АЖ, “Ўздонмаҳсулот” АҚ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда туманлар ҳокимликларига, “Агробанк” АТБга ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига уч кун муддатда:

2018 йил ҳосили пахта хомашёсими ва бошоқли дон экинлари ҳосилини навлар ва класслар бўйича харид қилиш учун давлат томонидан кафолатланган нархларни;

кейинчалик маблагларни “Агробанк” АТБ туман филиалларида жойлаштириш орқали давлат томонидан харид қилинадиган 2018 йил ҳосили бўйича ойлар, вилоятлар ва туманларга бўлинган кредит ресурсларининг кафолатланган ҳажмларини маълумот учун етказсин.

3. 2018 йилнинг 1 мартадан бошлаб, минерал ўғитлар уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан фақат биржа савдоларида қуийдаги шартларга риоя этган ҳолда (ички тармоқларга етказиб беришдан ташқари) сотилиши белгилаб қўйилсин:

биржа савдоларига қўйиладиган минерал ўғитларнинг бошлангич нархи рентабеллик ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқарувчилар томонидан таннархнинг 10 фоизи микдорида шакллантирилиши (бошлангич нархи белгилашда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолати билан жалб этилган кредитлар бўйича асосий қарзни қоплаш билан боғлиқ тўловлар ҳисобга олинади);

азот ва фосфор ўғитлар биржа савдоларига уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан шакллантириладиган ва харидорлар тоифалари учун табақалаштирилган лотлар бўйича қўйилади. Бунда биржа савдоларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар ва тадбиркорликнинг бошқа субъектлари, шунингдек, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ корхоналари учун йирик лотлар (битта лот бўйича 300 тоннадан ортиқ) ҳамда фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар учун майда лотлар (битта лот бўйича 5 тоннадан 70 тоннагача) қўйилади;

2018 йилнинг 1 мартадан 1 августигача охирги истеъмолчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга сотиладиган азот ва фосфор ўғитларининг нархи 7-иловага мувофиқ белгиланган чекланган нархлардан ошмаслиги зарур. Ушбу талабни бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб беради;

бошқа турдаги минерал ўғитлар очик биржа савдорларида барча тоифадаги харидорлар учун лотлар ҳажмлари чекланмаган ҳолда ва чекланган нархларсиз сотилади;

маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган ва ушбу бандга мувофиқ харид қилинган минерал ўғитлардан ўз эҳтиёжлар учун фойдаланилади ёки улар ички бозорда фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга сотилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosari А.С.Султонов Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Ўзқимёсаноат” АЖ билан биргаликда минерал ўғитларни ишлаб чиқарувчилар кесимида биржа савдоларига қўйишнинг ҳар ўн кунлик жадвалларини бир ҳафта муддатда тасдиқласин.

4. 2018 йилнинг 1 мартадан бошлаб, истеъмол солиги ҳисобга олинган ҳолда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича, шу жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга ва автомобилларга ёнилғи куйиш шохобчаларига қуийдагилар учун ягона чакана нархлар белгилансин:

дизель ёнилғисига – бир литр учун 4600 сўм;

ЭКО дизель ёнилғисига – бир литр учун 4700 сўм.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ янги чакана нархлар прейскурантларини уч кун муддатда барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларга етказсин.

5. “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг:

фермер хўжаликлари га хизмат кўрсатувчи автомобилларга ёнилғи қуиши шохобчаларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тадбиркорлик субъектларига узоқ муддатли ижарага босқичма-босқич бериш ҳамда уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширувчилари га нефть маҳсулотларини сотиши;

фермер хўжаликлари га хизмат кўрсатувчи ва узоқ муддатли ижарага берилган автомобилларга ёнилғи қуиши шохобчалари томонидан дизель ёнилғисини уларнинг ҳақиқий харажатлари ва рентабелликни таъминлашидан келиб чиқсан ҳолда белгиланадиган чегирмалар ҳисобга олиниб, нефть базалари билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича белгиланган нархларда сотиб олиши тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

пахта хомашёси ва бошоқли дон етиширишни молиялаштириш учун ойларга бўлинган кредит ресурсларининг кафолатланган ҳажми тегишли туман ҳокими томонидан Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгаши билан биргаликда агротехник тадбирлар (хариталар) асосида пахта хомашёси ҳамда бошоқли дон етиширувчилар бўйича тасдиқланади;

тижорат банкларининг туманлар филиаллари пахта хомашёси ва бошоқли дон етиширишни мақсадли молиялаштириш учун кредит линияларини контрактация шартномаси ҳамда кредит ресурсларининг тасдиқланган ва кафолатланган ҳажми асосида ҳар бир ишлаб чиқарувчи бўйича очади;

тижорат банкларининг туманлар филиалларига пахта хомашёси ҳамда бошоқли дон етиширувчилар билан биргаликда кредит ресурсларининг тасдиқланган ва кафолатланган ойлик ҳажми доирасида молиялаштириш ҳажмлари ҳамда йўналишларига 15 фоизгача ўзгартиришлар киритиш хукуқи берилади;

Жамғарма маблағлари тижорат банкларида пахта хомашёси ҳамда бошоқли дон етиширувчиларга мақсадли кредит ажратиш учун йиллик 1 фоиз ставкаси бўйича 14 ойгача бўлган муддатга жойлаштирилади;

пахта хомашёси ҳамда бошоқли дон етиширувчилар харид қилинадиган моддий-техник ресурслар (ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари, минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари) учун олдиндан 100 фоиз тўлов тўлайдилар;

харид қилинган моддий-техник ресурслар тўлов тўлангандан кундан бошлаб беш кундан кечиктирмасдан етказиб берилади;

ажратилган кредит маблағларидан мақсадли фойдаланиш юзасидан тижорат банкларининг туманлар филиаллари томонидан мониторинг олиб борилади ва тижорат банкининг туман филиали раҳбари зиммасига мониторингнинг тегишли равища олиб борилиши учун жавобгарлик юкланади;

давлат буюртмаси ҳажмлари бўйича пахта хомашёси ва бошоқли дон етиширишни молиялаштиришга доир белгиланган механизмнинг фаолият кўрсатиши, ўзаро ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши ва моддий-техник ресурсларнинг тўлиқ етказиб берилиши ҳамда хизматлар кўрсатилишини назорат

қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармасининг бириктирилган ходими зиммасига юкланди.

**7. Кўйидагилар:**

Пахта хомашёси ва бошоқли дон етишириш харажатларини, шунингдек, пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришларини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом 8-иловага мувофиқ;

пахта хомашёси ва бошоқли дон етиширадиган фермер хўжаликларига кредит ажратиш схемаси 9-иловага мувофиқ;

пахта хомашёси ва бошоқли дон етиширадиган фермер хўжаликларини дизель ёнилғиси билан таъминлаш схемаси 10-иловага мувофиқ;

пахта хомашёси ва бошоқли дон экинлари етиширадиган фермер хўжаликларини минерал ўғитлар билан таъминлаш схемаси 11-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

**8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргалиқда пахта хомашёсини йифиб-териб олиш босқичларига (мавсумларига) қараб, 2018 йил ҳосили пахта хомашёсини йифиб-териб олиш учун тавсия этилаётган меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф ставкаларини 2018 йилнинг 1 августигача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсан.**

**9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги биржа савдоларида минерал ўғитларни харид қилиш ва пахта хомашёси ҳамда бошоқли дон экинлари етиширувчиларга етказиб бериш учун йиллик 3 фоиз ставка билан “Ўзагрокимёҳимоя” АЖга айланма маблағлар бўйича кредит ажратиш мақсадида “Агробанк” АТБга бир ҳафта муддатда 400 миллиард сўм миқдоридаги маблағларни йиллик 1 фоиз ставка билан депозитга жойлаштиришни таъминласин.**

**10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:**

“Ўзагросуғурта” сугурта компанияси билан биргалиқда жаҳон тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини сұғурталаш механизмини такомиллаштиришга доир таклифларни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсан;

пахта хомашёси ва бошоқли дон етиширадиган фермер хўжаликларини молиялаштириш учун маблағлар вақтинча етишмаганда (касса узилишида) Жамғармага асосланган ҳисоб-китоблар бўйича бюджетдан фоизсиз ссуда ажратсан;

зарурат бўлганда, “Ўзнефтмаҳсулот” АЖга агротехника мавсумларидан келиб чиқкан ҳолда, ёнилғи-мойлаш материаллари заҳирасини яратиш мақсадида четдан углеводород хомашёси олиб келиш учун бюджетдан ссуда ажратсан;

мақсадли маблағлар зараркундаларга қарши курашиш харажатларини қоплаш, шунингдек, фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолиш учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва вилоятлар маҳаллий бюджетларига 12-иловага мувофиқ тақсимланишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргалиқда ун ва нон нархининг кескин ошишига, жумладан, “Ўздонмаҳсулот” АҚ корхоналарининг бандлиги, штатлар сони, ташкилий тузилмасини оптималлаштириш орқали йўл қўймаслик юзасидан икки ой муддатда чоралар кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т.Мирзаев, Қишлоқ хўжалиги вазири Б.Т.Юсупов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимларни зиммасига ушбу бандда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (А.Х.Абдуллаев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Б.Т.Юсупов) манфаатдор идоралар билан биргалиқда 2018 йилнинг 1 октябригача экин майдонларини тўлиқ хатловдан ўтказсин ва экин майдонларининг умумий фойдаланиладиган электрон маълумотлар базасини яратишни назарда тутган ҳолда, экин майдонларининг балл бонитети бўйича маълумотлар базасини янгилаш чоратадбирлари дастурини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсан.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиқланган балл бонитетлар асосида балл бонитети 60 дан кам ва ҳосилдорлиги паст ерларда пахта хомашёси етиширадиган фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-куватлаш учун Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

13. **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Молия вазири Ж.А.Кўчкоров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, тижорат банклари раҳбарлари зиммасига** – пахта хомашёси ва бошоқли дон етиширишни ўз вақтида молиялаштириш, фермер хўжаликларини маблағлардан мустақил ва ошкора фойдаланиши ҳамда уларни мақсадли йўналтириши, харид қилинадиган пахта хомашёси ва бошоқли дон бўйича жорий йил охиригача тўлиқ ҳажмда ўзаро хисобкитоб қилиш учун манбалар шакллантирилиши;

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари С.И.Самадов, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар прокурорлари зиммасига** – хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан талон-тарож ва нархларни асосиз ошириш ҳолатларининг қатъий олдини олган ҳолда, минерал ўғитлар ва ёнилғимойлаш материаллари етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш;

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ бошқаруви раиси Н.С.Отажонов, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари ва вилоят ички ишлар бошқармалари, туман ички ишлар бўлимлари (бўлинмалари) бошлиқлари зиммасига** – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 январдаги ПҚ-3459-сон қарори билан тасдиқланган қишлоқ хўжалиги техникасини 2018 йилнинг 15 апрелига қадар етказиб бериш, биринчи навбатдаги қишлоқ хўжалиги техникасини 2018 йилнинг I ярмида етказиб бериш, шунингдек, механизациялаштирилган хизматларни ўз вақтида кўрсатиш бўйича мақсадли параметрлар сўзсиз бажарилган ҳолда, зарур микдордаги қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш;

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқаруви раиси А.С.Султонов зиммасига** - фермер хўжаликларининг ёнилғимойлаш материаллари билан ўз вақтида ва тўлиқ таъминланиши, белгиланган нархларни сақлаб туриш ҳамда фермер хўжаликларини зарур миқдорда узлуксиз таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигининг уч ойлик эҳтиёжни қопладиган захира ташкил этилиши;

**Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Р.А.Гулямов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари С.И.Самадов зиммасига** – ушбу жараён иштирокчиларининг монопол ҳолатидан фойдаланган ҳолда нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик;

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т.Мирзаев, Қишлоқ хўжалиги вазири Б.Т.Юсупов, Сув хўжалиги вазири Ш.Р.Ҳамраев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари зиммасига** – ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш, пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштиришнинг замонавий ҳамда ресурс тежайдиган технологияларини жорий қилиш, фермер хўжаликларининг комплекс агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариши;

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т.Мирзаев, Қишлоқ хўжалиги вазири Б.Т.Юсупов, Молия вазирининг ўринбосари А.Р.Каримов, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ раиси У.А.Охунов, “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви раиси А.А.Абдуллаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари зиммасига** – фермер хўжаликларининг ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситалари билан ўз вақтида таъминланиши, уларга ўсимликларни ҳимоя қилиш, зааркунандалар, ўсимликлар касалликлари ва ёввойи ўтларга қарши курашиш бўйича комплекс агрокимёвий хизматлар кўрсатилиши;

**“Агробанк” АТБ раиси С.С.Хўжаев ва банк филиаллари раҳбарлари зиммасига** – пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштирувчиларга ўз вақтида кредит ажратилиши ҳамда товарлар (хизматлар, ишлар) етказиб берувчилар билан ўзаро ҳисоб-китобларни таъминлаш бўйича жавобгарлик юклансин.

14. Вазирликлар, идоралар, хукуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари пахта ва дон етиштирадиган тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликларининг қонуний фаолиятига, куч, восита ва ресурслар жалб қилишига, уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тадбирлар учун жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган жавобгарлик тўғрисида қатъий огоҳлантирилсин.

15. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Вазирлар Маҳкамасининг “Аммиакли селитрани ишлаб чиқариш, ташиш ва сотишни назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2004 йил 30 апрелдаги 204-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг “Ёқилғи-энергетика ресурслари билан ўз вақтида таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 14 ноябрдаги 913-сон қарори 1-бандининг бешинчи ва олтинчи хатбошилари.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқа манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – Молия вазири Ж.А.Қўчқоров, Бош вазир ўринbosари З.Т.Мирзаев, Бош вазир ўринbosари – “Ўзбекнефтгаз” АЖ раиси А.С.Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А.Арипов**